2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 18 (807), 2023 йил 27 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Бишкек шаҳрига келди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган “Манас” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонларни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва унинг рафиқаси кутиб олди.

Бу ерда давлат раҳбарларига Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи мусиқий-фольклор чиқишлар намойиш этилди.

Сўнг Президентимиз Қирғизистон Бош вазири Акилбек Жапаров ҳамроҳлигида “Ата-Бейит” миллий тарихий-ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 1916 йилги фожиали воқеаларнинг қурбонлари хотирасига бағишланган “Уркун” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Мажмуа 2000 йилда қирғиз давлатчилигининг энг муҳим босқичлари ҳақидаги тарихий хотирани тиклаш ва асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган. Қирғиз халқининг улуғ ёзувчиси Чингиз Айтматов таклифи билан ёдгорликка “Ата-Бейит” — “Оталар қабри” деган ном берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА ОЛИМ, МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга.

Мустақиллик даврида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг асарларини юртимиз ва хорижий давлатларда тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, шоир туғилган кун — 14 февраль санаси ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб адабиёт ва илм-маърифат байрами сифатида нишонланмоқда. Бобуршунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда Тошкент ва Андижон шаҳарларида Бобур Мирзонинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилгани, унинг туғилиб ўсган юрти — Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг тасаррафидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейи фаолият кўрсатаётгани, “Бобур энциклопедияси”, “Бобур куллиёти”, “Бабур. Бабуриды. Библиография” деб номланган салмоқли асарларнинг нашрдан чиқарилгани, “Бобур ва дунё” журналининг ташкил қилингани маданий ҳаётимизда катта воқеа сифатида эътироф этилди.

Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига — Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буюк аждодимиз асарларининг миллий ва умуминсоний моҳиятини, унинг ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, Бобур Мирзонинг илмий ва ижодий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида:

Давоми 2-бетда

ҚЎШНИЛАР ТИНЧ ВА ҲАМЖИҲАТ ҲАЁТ КЕЧИРСА УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА ДАХЛДОР МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ОСОН КЕЧАДИ

ҚИРҒИЗ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА БОШЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

“Катта имкониятлар ташрифи“ — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга бошланган давлат ташрифига етакчи қирғиз оммавий ахборот воситалари ана шундай таъриф бераётир.

Қирғизистоннинг “Кут билим” нашри ва оммабоп “Вечерний Бишкек” нашриёт уйи веб-саҳифасида эълон қилинган сиёсатшунос Кубан Абдимен қаламига мансуб “Ўзбекистон имижини ўзгартирган Президент” сарлавҳали мақолада ушбу ташрифнинг аҳамиятини бошқача баҳолаш ғайри имкон экани таъкидланган. “Биринчидан, мазкур ташриф Шавкат Мирзиёев 2021 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин Қирғизистонга биринчи ташрифдир. Иккинчидан, ўттиз йиллик музокаралардан сўнг жорий йил Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат чегарасидаги барча баҳсли участкалар бўйича келишув жараёни якунланди. Учинчидан, Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича халқаро лойиҳада иштирок этишини расман эълон қилди. Тўртинчидан, Тошкент Қозоғистон билан биргаликда Қирғизистонда “Қамбарота-1” ГЭСи қурилиши бўйича йирик лойиҳада қатнашишга қарор қилди.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ВА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ШАКЛЛАНМОҚДА

Янги Ўзбекистонни кенг кўламли улкан қурилишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу турар жой бўладими, ижтимоий объектлар, янги инфратузилма бўладими, ҳамма-ҳаммаси, аввало, инсон қадри учун йўналтирилаётган, одамлар узоқ келажакда эмас, бугун ҳам муносиб ва фаровон яшаши йўлида қилинаётган ислоҳотлардир.

Бугун халқимизни узоқ йиллар қийнаб келган уй-жой масаласи ҳақида гапирганда, аввало, комил ишонч билан айтиш жоизки, бу ҳаётбахш сиёсат бундан кейин ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб қолаверади.

Негаки, давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрь куни **Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида** Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар ҳақида гапирар экан:

“аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказилиши, бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилиши;

келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланиши, дастур доирасида, биринчи навбатда, турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилиши” тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давоми 3-бетда

ТАЪЛИМ ЙЎЛИ — НАЖОТ ЙЎЛИ

ЭСКИ ЁНДАШУВЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ДАВРИ КЕЛДИ

ёхуд илғор фикрловчи, фидойи мутахассислар замон талабидир

Тобора интенсив ривожланиб бораётган мамлакатимиз ҳаёти ўз тараққиётининг ҳар томонлама мувозанатли бўлиши учун жиддий қадамлар қўймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳондаги имижини ошириш ва самарали ички сиёсат юритиш мутахассисларга ҳар қачонгидан-да масъулиятли вазифалар юклаяпти. Аслида жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч айнан сифатли таълим кўрган, малакали мутахассис сифатида шаклланган кадрлар саналади.

Қатор ривожланган давлатларда инсон ресурсларини шакллантиришдан тортиб, уларга чуқур билим бериш, амалий малакасини ошириш, муносиб меҳнат шароитини яратишгача бўлган жараёнларга етарлича капитал сарфланади. Шунинг учун ҳам рақобатли бугунги муносабатларда ҳар бир шахс жамиятда ўз ўрнини муносиб эгаллашга ҳаракат қилиши талаб этилмоқда. Юртимизда бунинг самарали ечимини топишга тизимли ҳаракатлар ҳам бошланган.

Жорий йилда мамлакат миқёсидаги энг долзарб вазифалар бир мақсад доирасида бирлашгани барчамизни ўзимиздан бошлаб ўзгаришга чорламоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришлари бежиз эмас.

Давоми 5-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари айнан адолатли ва мустақил суд томонидан ҳимоя қилинади.

СУДЛАР ЧИНАКАМ “АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ”ГА АЙЛАНАДИ

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик байрамининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **“Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.**

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислоҳотларимизни албатта давом эттирамиз”, дея қайд этди.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА ОЛИМ, МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1. Маданият ва туризм вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамда жамоатчилик вакилларининг **2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов):

бир ҳафта муддатда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган **чора-тадбирлар дастури**ни тасдиқласин. Ушбу дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мамлакатимиздаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ **обида ва қадамжолар**ни, жумладан, **ёдгорлик мажмуаларини таъмирлаш** ва уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш;

Бобур Мирзо меросига мансуб **қўлёзма, қадимий китоблар, санъат асарлари** ва **бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш**, уларни ишончли даражада сақлаш учун зарур шароит яратиш;

хорижий мамлакатларда сақланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид ноёб қўлёзма асарлар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишни давом эттириш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш мақсадида **халқаро миқёсда илмий изланишлар олиб бориш** ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, янги илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган юқори сифатли **медиа маҳсулотлар** ҳамда **аудиовизуал асарлар** яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини кенг ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этиш.

3. **Маданият ва туризм вазирлиги Ташкилий қўмитанинг ишчи органи** этиб белгилансин ва мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

4. Ташкилий қўмита қуйидаги тадбирлар:

Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда Андижон шаҳрида **"Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни"** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида **"Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг Шарқ давлатчилиги ва маданияти ривожида тутган ўрни"** мавзусида халқаро илмий-назарий анжуман;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишланган **адабий-бадиий анжуман**;

Маданий мерос агентлиги ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Андижон шаҳридаги "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейида Бобурнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг қўлёзма ва нашр нусхаларининг **кўргазмаси**;

Бадиий академия ва "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан мавзуга бағишланган **тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмалари** юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ибратли ҳаёти ва бой меросини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида:

а) Маданият ва туризм вазирлиги Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда:

"Бобур мероси" халқаро сайёҳлик тарғибот дастурини амалга оширсин;

2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш, шоир ғазаллари билан ижро этиладиган **энг яхши қўшиқлар** танловлари ҳамда **"Назм ва наво" мақом кечалари**ни ташкил этишни таъминласин;

давлат буюртмаси асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик даврига бағишлаб суратга олинаётган **"Йўлбарснинг туғилиши" бадиий фильми**ни якунига етказиш чораларини кўрсин;

б) Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси 2023-2024 йилларда болалар учун Бобур Мирзо ҳақидаги **спектакль ва кўп қисмли мультипликацион фильмни яратсин.**

6. Ташкилий қўмита Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Жамоат хавфсизлиги университети, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда:

ўзбек, рус ва инглиз тилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига доир **"Бобур энциклопедияси"нинг тўлдирилган учинчи нашри**, **"Бобур" китоб-альбоми,** шунингдек, **Бобур асарлари луғати**, **Бобур девони**нинг мукаммал нашрини;

"Бобурнома" асарининг замонавий ўзбек ва қорақалпоқ тилларига табдилини яратиш;

"Бобурга армуғон" рукни остида **шоир асарлари**, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги **илмий** ва **оммабоп китоблар** туркумини тайёрлаш ва чоп қилиш чораларини кўрсин.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда:

икки ой муддатда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ **илмий лойиҳалар танлови**ни эълон қилсин;

ушбу қарорнинг 6-бандида белгиланган адабиётларни тайёрлаш билан боғлиқ ишлар учун давлат илмий дастурлари доирасида мақсадли маблағлар ажратилишини таъминласин;

талабалар ҳамда тадқиқотчилар ўртасида Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодига бағишланган янги илмий-публицистик ҳамда бадиий асарлар танловини ўтказсин;

Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларнинг ўзбек тилидан хорижий тилларга ҳамда хорижий тиллардан ўзбек тилига босқичма-босқич таржима қилиниши ва чоп этилишини таъминласин.

8. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари талабалари учун тарих ва география йўналишларида **Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси** таъсис этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда мазкур давлат стипендиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил давомида қуйидаги вазифаларни ўз ичига олган **"Бобур ва ёшлар" махсус дастури**ни амалга оширсин:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида **"Бобур асарларининг билимдонлари" танлови** ва **"Бобурни англаш" мавзусида иншолар танлови**ни ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

замонавий ахборот ва тарғибот технологиялари асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш.

10. Андижон вилояти ҳокимлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўзбек, рус, инглиз тилларида фаолият юритадиган **халқаро илмий бобуршунослик электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини** яратсин. Бунда, мазкур платформанинг келгусида самарали юритилиши Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросига бағишланган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоблар тақдимотлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, ижрочиларга ажратилган маблағлар доирасида Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

14. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 январь

ҚЎШНИЛАР ТИНЧ ВА ҲАМЖИҲАТ ҲАЁТ КЕЧИРСА УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА ДАХЛДОР МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ОСОН КЕЧАДИ

ҚИРҒИЗ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА БОШЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши оқимнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга вегетация даврида кафолатланган сув ресурсларини етказиб бериш, шунингдек, йил мавсумидан қатъи назар, минтақа ягона энергетика тизими учун электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадларига қаратилган", деб қайд этган муаллиф.

Қирғиз сиёсатшуноси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бевосита қабул қилинган қарорлар асосида Қирғизистон ва Ўзбекистон муносабатларида эришилган бошқа кўплаб ижобий ўзгаришлар борлиги ҳақида ёзган. "Ўзбекистон раҳбарининг қирғиз халқи ва бутун Қирғизистонга нисбатан самимий муносабати яхши маълум. Ўзбекистон етакчиси Жиззах вилоятидаги қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган Манас қишлоғи қиёфасини янгилаш ташаббусини илгари сурган ва қирқ кун ичида ушбу қишлоқ буткул янги замонавий қиёфага эга бўлганини кўриб, хурсанд бўлган эди. Бу унинг қирғиз халқига бўлган ҳурмати, "Манас" достонининг мазмун-моҳиятини чуқур англагани, шунингдек, Ўзбекистондаги қирғиз диаспорасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатганидан ёрқин далолатдир", деб урғулаган Кубан Абдимен.

"Кабар" Миллий ахборот агентлиги "Катта имкониятлар ташрифи. Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари мислсиз ҳужжатлар тўпламини имзолайдилар" сарлавҳали мақолани тарқатди. Унинг муаллифи Кирилл Степанюкнинг ёзишича, "Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилмоқда. Икки давлат етакчилари чегарани белгилаш бўйича баҳсли масалаларни ҳал этиб бўлгач, иқтисодий кун тартибни илгари суриш билан фаол шуғулландилар. Президентлар Садир Жапаров ва Шавкат Мирзиёев асосий эътиборни ҳар икки республика аҳолиси фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратмоқда".

"Қачонки, қўшнилар тинчлик ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришса улар учун умумий манфаатларга дахлдор минтақавий хавфсизлик масалаларидан тортиб, энергетика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни амалга оширишгача бўлган ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш осон кечади. Экспертлар Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мулоқот стратегик шериклик мақомига эга бўлгани, икки мамлакат етакчилари иттифоқчилик муносабатларини ривожлантиришга бел боғлаганига эътибор қаратмоқда. "Биз кўп асрлар давомида яқин қўшнилар бўлиб яшаб келганмиз ва доимо шундай бўлиб қолади" деган оддий ҳақиқат сиёсий ҳамкорлик йўлидаги асосий дастуламалга айланди", дея таъкидланади мазкур мақолада.

Муаллиф олий даражадаги доимий алоқалар ва музокаралар жараёнида Қирғизистон ва Ўзбекистон етакчилари сиёсий муҳитни ўзгартиришга киришдилар, бу бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда, деб қайд этган.

Трансчегаравий дарёлар оқими масаласи бўйича келишув Қирғизистонга "Қамбарота-1" ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга оширишни бошлаш имконини берди ва уни ҳаётга татбиқ этишда нафақат Ўзбекистон, балки Қозоғистон ҳам иштирок этади. Йирик ГЭСнинг қуввати нафақат аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондириш, балки минтақада энергия ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш, янги завод ва фабрикалар очиш учун ҳам етарли бўлади.

> **"КАБАР" МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ "КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ТАШРИФИ. ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ МИСЛСИЗ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИНИ ИМЗОЛАЙДИЛАР" САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИ ТАРҚАТДИ. УНИНГ МУАЛЛИФИ КИРИЛЛ СТЕПАНЮКНИНГ ЁЗИШИЧА, "ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА".**

"Кабар" Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, сиёсатшунос Шерадил Бактигуловнинг Қирғизистон ва Ўзбекистон муносабатларининг замонавий босқичига бағишланган мақоласини ҳам эълон қилди. Муаллиф Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини батафсил таҳлил қилар экан, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларнинг жадал ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратган.

"Ўзбекистон жадал ривожланаётган истеъмол бозорига, Қирғизистон эса катта гидроэнергетика салоҳиятига эга. Жаҳон банкининг бу борадаги ҳисоб-китоби қизиқиш уйғотади — 2020 йилдан 2030 йилгача Марказий Осиё давлатлари гидроэнергетика салоҳиятидан фойдаланишни яхшилаш ва минтақадаги қувватларни биргаликда режалаштириш орқали 6,4 миллиард долларгача иқтисодий фойда олиши мумкин", деб ёзади эксперт.

"Яна бир истиқболли лойиҳа Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишидир. Мазкур йирик лойиҳада иштирок этаётган барча мамлакатларда ушбу йўналишга қизиқиш юқори. Нидерландияда жойлашган нуфузли "RailFreight" халқаро ресурсининг ҳисоб-китобларига кўра, бу темир йўлнинг қурилиши Хитойдан Ўзбекистонгача бўлган масофани жиддий қисқартиради. Темир йўл йўналиши Эрон (Туркманистон орқали) ва Туркия, алал-оқибат Европа билан боғланади. Хитойдан Жануби-шарқий Европага йўналиш 900 километргача қисқариши мумкин, бу етти-саккиз кунга тенгдир", дейди қирғизистонлик сиёсатшунос.

Мақола интиҳосида "Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги замонавий муносабатлар ҳақида гапирганда, ҳамкорлик асослари ва йўналишлари ўзгаришсиз қолаётганини, имкониятлар кенгайиб, янги воқеликка айланиб бораётганини таъкидлаш керак", деб ёзади Шерадил Бактигулов.

2016-2018 йилларда Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб ишлаган Дониёр Сидиқов "Асрларга тенг қирғиз-ўзбек дўстлигининг 30 йили" сарлавҳали мақоласида қадим замонлардан буён мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари, интилишлари ва тақдири умумий асосларга эга экани таъкидланган. "Буларнинг барчаси ўз давлатчилигини яратган буюк паҳлавонлар, амирлар, афсонавий сиймоларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақидаги достонларимиз, ёзма манбаларимизда сақланиб қолган. Бизнинг тарихимиз, тилимиз, динимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз муштарак, қон-қариндошлик ришталари мустаҳкам. Айнан ана шундай муносабатлар Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада изчил ривожлантириш зарурлигини олдиндан белгилаб берди. 2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши Қирғизистон — Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлади ва барча даражаларда конструктив мулоқот давом эттирилди", деб ёзади у.

"Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида амалга оширилаётган янги ислоҳотлар, Қирғизистонга нисбатан дўстона сиёсат икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кўплаб имкониятларни очиб берди. Ишонаманки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ҳам тарихий бўлиб, барча соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади", дея таъкидлайди Дониёр Сидиқов.

Ташриф арафасида, шунингдек, "Слово Киргизстана" газетасида Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар миллий институтининг Ҳуқуқий ва сиёсий тадқиқотлар маркази раҳбари Автандил Арабаевнинг "Йўл харитасида чегара йўқ" сарлавҳали таҳлилий мақоласи чоп этилди.

Унда Қирғизистон жамоатчилиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифига алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланган. Ушбу ташриф нафақат муҳим воқеага айланиши, балки Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларидаги қатор долзарб масалаларни ҳал этиш йўлларини ҳам белгилаб беради.

Автандил Арабаев Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ортидан давлатлараро муносабатлар фаол ривожлана бошлаганини қайд этган. "Бунда сиёсатчи Шавкат Мирзиёевнинг зукколиги яққол намоён бўлди. Ахир қирғизлар ва ўзбеклар шунчаки қўшни эмас — бу халқларни умумий тарих, маданият, маънавий ва диний қадриятлар боғлаб туради. Шу боис, Қирғизистон билан яхши қўшничилик ва ишончли муносабатлар ўрнатиш Ўзбекистон етакчиси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади", дейди эксперт.

Шу билан бирга, Ҳуқуқий ва сиёсий тадқиқотлар маркази раҳбари таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари орасида Қирғизистон Қозоғистондан кейин Ўзбекистоннинг иккинчи савдо шериги айланди.

> **Муаллиф, шунингдек, муштарийлар эътиборини Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларига оид масалаларни ечиш йўлида эришилган натижаларга қаратган. "Шубҳасиз, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Давлат чегараси масалаларининг якуний ечими икки давлат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.**

"Садир Жапаров ва Шавкат Мирзиёев ўртасида яқин ишончли муносабатлар ўрнатилгани эътиборлидир. Бу, албатта, дўстона ва ўзаро манфаатли давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда ҳам, икки қардош халқнинг тинч ва тотув яшашга интилиши учун мустаҳкам шарт-шароит яратишда ҳам ижобий самара бермоқда", деб ёзади Автандил Арабаев.

Эътиборли жиҳати, "Слово Киргизстана" умуммиллий газетаси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи тўғрисидаги ахборот материалини "Хуш келибсиз, жаноб Президент!" сарлавҳаси остида чоп этди.

"Дунё" АА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ВА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ШАКЛЛАНМОҚДА

Ботир ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Халқимизни рози қилиш йўлида давом этаётган бу каби тарихий ва кенг кўламли ишлар, айниқса, бизга жуда катта масъулият юклайди. Айтиш жоизки, бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги олдида улкан ва долзарб вазифалар турибди.

Шу боис, бугун халқимиз олдида ўзимизни ҳисобдор санаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида тўхталишни жоиз билдик.

Аввало, соҳадаги масъулият, ижро интизоми, ходимларимизнинг ўз вазифасига фидойилик, ҳалоллик билан виждонан ёндашувини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Президентининг **2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони** ижроси юзасидан вазирлик тизимида тадрижий чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Жумладан, мазкур фармонда белгиланган вазифаларни амалиётга сўзсиз татбиқ этиш мақсадида ходимлар ўртасида ҳужжат мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бунда асосий эътибор ходимларнинг янги шакилланган қонунчилик базасидан хабардорлигини ошириш, ўз хизмат вазифасига виждонан ва алоҳида масъулият билан ёндашиш, ҳар бир ишда шахсий жавобгарликни кучайтиришга қаратилди.

Пировардида, ўтган йиллар мобайнида ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашадиган, фидойи кадрлар жамоаси шакилланди. Бугун улар билан биргаликда юқорида айтганимиз кенг кўламли вазифаларни бажаришга киришганмиз.

Вазирлик ва унинг қуйи ташкилотларида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар ташкил этилган.

Хусусан, ҳар душанба куни ҳафта давомида амалга ошириш белгиланган устувор вазифалар вазир раҳбарлигида мутасаддилар иштирокида атрофлича муҳокама этилади.

Бунда ҳудудларда юзага чиқиши кутилаётган, республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар кун тартибининг биринчи масаласи сифатида кўриб чиқилади ҳамда ҳал этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилади.

Муҳокама натижалари бўйича вазирлик даражасида ўз ечимини топмаган муаммоли масалалар тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида кўриб чиқилади ва масалани ижобий ҳал этиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланади.

2022 йил давомида **"ijro.gov.uz"** электрон тизимида вазирликда назоратга олинган **195** топшириқ ижроси таъминланди. Хусусан, бу давр мобайнида вазирлик томонидан **58** меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, ижро интизомига риоя этишда тизимли равишда камчиликларга йўл қўйган **25 нафар** мутасаддига нисбатан таъсирчан чоралар кўрилди.

Бугунги кунда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди. Қурилиш кўлами йил сайин ортиб бормоқда, шунга монанд янги иш ўринлари ташкил этилиб, одамларимиз фаровонлиги ҳам юксалмоқда.

Жумладан, республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда **88,1 триллион сўмни**, 2021 йил **107,5 триллион сўмни** ташкил этган бўлса, 2022 йилда **130,7 триллион сўмга** етди.

Қурилиш соҳасининг жадал суръатларда ўсиб бориши замон талаблари асосида чуқур ислоҳотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Шу боис, **сўнгги йилларда Президентимизнинг қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича 27 фармон ва қарори, ҳукуматнинг 24 қарори қабул қилинди**.

Шунингдек, **Шаҳарсозлик кодекси** янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, амалиётга йўналтирилди. Қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг **2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** тасдиқланди.

Бу каби муҳим ҳужжатлар фаолиятимизнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилиб, бугунги кунда муайян натижаларга эришиб келинмоқда.

Хусусан, 5 йил мобайнида шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами **1277** шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, **190** бош режа, **1087** қишлоқ (овуллар), маҳалла фуқаролар йиғининг бош режаси лойиҳалари билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Биргина 2022 йилда **140** аҳоли пунктининг меъморий ҳужжати тайёрланди.

2023-2027 йилларга мўлжалланган бош режаларни ишлаб чиқиш бўйича дастур тайёрланди. Энди мазкур дастур асосида **19** шаҳар ва **222** шаҳарча бош режаси, **184** ҳудуднинг мастер режаси ҳамда **504** қишлоқнинг бош режасини ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз.

Президентимизнинг фармон ва қарорлари, улар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлар эканмиз, айтиш жоизки, соҳага бир қатор инновацион ғояларни татбиқ эта бошладик.

Улардан бири — бугунги кунда шаҳарсозлик тизимида ҳажмий-фазовий кўринишдаги (3D) лойиҳаларни ривожлантириш ишлари жадал бажарилмоқда. Мазкур соҳадаги ишлар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда, асосан, сурат, анимация, видеоролик ва макетлар ёрдамида шакллантириладиган лойиҳаларни ривожлантириш имконини беради.

"**Обод қишлоқ**" ва "**Обод маҳалла**" дастурлари доирасида ҳудудларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам бу борадаги фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида катта режаларни белгилаб олганмиз.

Биргина 2022 йилги "**Обод қишлоқ**" ва "**Обод маҳалла**" дастурлари доирасида **413** маҳалланинг бош режаси хусусий лойиҳа ташкилотларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур доирасида маҳалла ва қишлоқларда жами **543** ижтимоий соҳа, **376** ичимлик сув объекти фойдаланишга топширилди.

Бу борада вазирлик ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиш ишлари сифатли ва ўз вақтида топширилиши юзасидан доимий назорат чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

> **ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ЎСИБ БОРИШИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЧУҚУР ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА. ШУ БОИС, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 27 ФАРМОН ВА ҚАРОРИ, ҲУКУМАТНИНГ 24 ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

Мана шу янгиланишлар билан уйғун кечаётган яна бир катта ислоҳот бор. Бу — маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш.

Шу мақсадда Президентимизнинг **2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори** қабул қилинди.

Қарорга таянилиб, ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва табиий газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга киришилди.

Шу мақсадда жами **5284** маҳалладаги **6 мингта** ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришни режалаштирганмиз.

Бугунги кунга қадар **1058** объектга ер ажратиш бўйича белгиланган тартибда тегишли қарорлар чиқарилди, **1941** объектга архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилди, **5957** объект учун лойиҳа ташкилотлари аниқланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди, **5949** объектга давлат экспертизаси хулосалари олинди, **5685** объект учун тендер эълон қилиниб, пудратчилар аниқланди. Айни кунларда бу ҳудудларда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган.

Бинобарин, "**Обод қишлоқ**" ва "**Обод маҳалла**" ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш дастурлари доирасидаги кенг кўламли ишларнинг халқимиз ҳаётини ўзгартириб юбораётган қудратли шукуҳи ҳақида ҳам тўхталиш адолатдан бўлади. Гап шундаки, Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу ҳаётий ислоҳот минглаб юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига туртки бўлди. Бугун обод маҳалла ва қишлоқларда янги ҳаёт нафаси уфуриб, одамларни яхшиликлар сари ундамоқда.

Ҳаётни ўзгартириб юборувчи ислоҳотлар ва ташаббуслар бўлади. Шулардан бири Президентимизнинг **2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони**дир.

Агар қурилиши жадал бошланган **"Янги Ўзбекистон" массивлари** инфратузилмасига, шаклу шамойилига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда инсон манфаати, унинг қадри ҳар нарсадан устун экани намоён бўлади. Шу маънода, Президентимизнинг мазкур фармони соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиққан ҳужжатлардан бири бўлди.

Юртдошларимизни **"Янги Ўзбекистон" массивларини** бунёд этиш борасидаги ишлар қандай давом этаётгани ҳам қизиқтириши табиий.

Айтиш мумкинки, **30** "Янги Ўзбекистон" массивида **636** кўп қаватли замонавий уй ва **57** ижтимоий соҳа объектини инфратузилма ва муҳандислик-коммуникация объектлари билан бирга комплекс барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз **"Янги Ўзбекистон" массивларини** қуриш ташаббусини илгари сурганидаёқ, биринчи навбатда, бу жойда аҳоли учун барча шароитларни яратиш бўйича аниқ кўрсатмалар берган эди. Шу боис, янги массивларда жами **57** ижтимоий соҳа объекти қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда қурилиши давом этаётган янги массивларда **18** мактаб, **24** боғча, **15** тиббиёт муассасаси бунёд этилмоқда.

Мазкур фармон ижроси доирасидаги ишлар ҳозир ҳам жадал давом этмоқда.

Бунда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади. Уларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади.

Массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари ҳам тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади.

Демак, **"Янги Ўзбекистон" массивларида** яшовчи аҳоли учун бирламчи зарур инфратузилмалар шу ернинг ўзида муҳайё этилади.

Қурилиш соҳасидаги ижро интизоми билан боғлиқ яна бир катта ислоҳотни ҳам айтиш жоиз. **Бу — сифат ва хавфсизлик масаласи.**

Бу борада қилинган ишлар ҳам салмоқлидир. Жумладан, Президентимизнинг **2022 йил 17 ноябрдаги "Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори** билан қурилиш объектларида сифат назоратини ҳамда объектлар белгиланган муддатларда топширилишини тартибга солиш мақсадида қурилиш объектларида техник назоратни амалга ошириш учун хусусий секторни жалб қилишга рухсат берилди.

> **АГАР ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ БОШЛАНГАН "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИГА, ШАКЛУ ШАМОЙИЛИГА ЭЪТИБОР БЕРАДИГАН БЎЛСАК, БУ ЕРДА ИНСОН МАНФААТИ, УНИНГ ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН ЭКАНИ НАМОЁН БЎЛАДИ. ШУ МАЪНОДА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МАЗКУР ФАРМОНИ СОҲАДАГИ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚҚАН ҲУЖЖАТЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ.**

Қурилишни лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси жараёнлари қайта кўриб чиқилиб, шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертиза" ДУК томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Натижада экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топширилянпти. Яъни ўтган йил якунига қадар жами 45 мингга яқин объект лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилиши туфайли улар бўйича **11 триллион сўмдан ортиқ** маблағ тежаб қолинди. Экспертиза йўналишида фаолият кўрсатувчи юридик шахсларга гувоҳнома бериш орқали тизимда рақобат муҳити яратилди.

Объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаси бериш тизими табақалаштирилди. Табақалашган тоифадаги лойиҳаларга хулоса бериш учун экспертиза ташкилотлари электрон рейтинги йўлга қўйилди. Экспертни аттестациядан ўтказиш ва мураккаблик тоифаси бўйича лойиҳаларга табақалашган ҳолда хулосалар бериш механизми яратилди.

Қурилиш нормалари ва қоидалари, идоравий қурилиш нормаларини қайта кўриб чиқиш натижасида:

биринчидан, 2017-2021 йилларда қурилиш соҳасига оид **388** техник норматив ҳужжат ишлаб чиқилди ва эскилари янгиланди. 2022 йилнинг ўзида **51** шаҳарсозлик нормаси, **46** давлат стандарти ва **15** иқтисодий тўплам ишлаб чиқилди;

иккинчидан, замонавий нормалар ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида илғор хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунда асосий эътибор сейсмик ва ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилди;

учинчидан, бино-иншоотларнинг энергия тежамкорлиги, санузеллар, велойўлаклар ва йўл чорраҳалари бўйича намунавий лойиҳалари ва норматив талаблари замон талабларига мослаштирилди.

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаб келаётганидек, одамларни рози қилиш бош мақсадимизга айланган. Бу қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Навбатдаги яна бир муҳим масала **— соҳага малакали кадрларни жалб қилиш.** Янги Ўзбекистонда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авж олмоқда. Бу, табиийки, билимли, тажрибали лойиҳачилар, архитекторларни талаб этадиган жараён.

Шу боис, мутахассисларимиз **Туркия, Япония, Жанубий Корея** каби ривожланган давлатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, қурилиш соҳасига доир илғор технологияларни ўзлаштириб келмоқда.

Умуман олганда, бугун мамлакатимизда қурилиш соҳасининг янги авлоди ва замонавий услублари шакилланмоқда.

Президентимиз Мурожаатномада **"Тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади",** деб таъкидлади. Бугун биз ҳам ўз фаолиятимизни, келгуси режа ва мақсадларимизни мана шу ҳақиқат талабларидан келиб чиқиб белгилаб олдик.

Албатта, халқимизни рози қилиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бунинг учун, аввало, Президентимизнинг фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини оғишмасдан, сўзсиз таъминлаш талаб қилинади. Шундай экан, биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлаш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

> **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРГАНИДАЁҚ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, БУ ЖОЙДА АҲОЛИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА АНИҚ КЎРСАТМАЛАР БЕРГАН ЭДИ. ШУ БОИС, ЯНГИ МАССИВЛАРДА ЖАМИ 57 ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТИ ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУГУНГИ КУНДА ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЯНГИ МАССИВЛАРДА 18 МАКТАБ, 24 БОҒЧА, 15 ТИББИЁТ МУАССАСАСИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА.**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

СУДЛАР ЧИНАКАМ “АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ”ГА АЙЛАНАДИ

Робахон МАҲМУДОВА,
Олий суд раисининг биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, Президентимиз 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам мазкур масалага тўхталиб ўтиб, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилишини қайд этди.

Шу муносабат билан 2023 йил 16 январь куни Президентимизнинг **“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ва **“Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармонлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, 2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Стратегия Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда истиқболли вазифаларини белгилайди, соҳага илғор халқаро стандартларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастурида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг 10 йўналиши бўйича 28 чора-тадбир белгиланди. Жумладан, уларга кўра, тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида “Хабеас корпус” институти амалиётга янада кенгроқ жорий этилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, тараққий этган давлатларда жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини “Хабеас корпус”, деб номлаш одат тусига кирган. “Хабеас корпус” атамаси лотинчадан олинган бўлиб, “шахсни (судга) келтириш”, деган маънони англатади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур институтни миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб судга қадар иш юритиш босқичида жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи, 2012 йилдан бошлаб айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, 2014 йилдан эса уй қамоғини белгилаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилган.

Бундан ташқари, 2017 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан айрим қонунчилик ҳужжатларига, хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари ҳам судларга ўтказилди. Шу сабабли, Стратегияда келгусида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш, тарафларнинг ташаббусига кўра, тайинланган эҳтиёт чорасини суд томонидан юқори қийматда (жумладан, етказилган зарарга нисбатан) гаров эҳтиёт чорасига алмаштириш тартибини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Маълумки, низоларни муқобил ҳал қилиш институтини ривожлантириш, яъни айрим тоифадаги ишларни судгача ва суддан ташқари ҳал қилиш механизмларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир. Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация — тарафлар ихтиёрий розилиги билан низони ўзаро ҳал этиш жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда ҳам қадимдан бирон-бир оила ёки маҳаллада низо келиб чиқадиган бўлса, ўша маҳалланинг ёши улуғ оқсоқол ва кайвонилари низолашаётган тарафларни инсофга чақириб, уларни яраштиришга, низони тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилган ва бу амалиёт ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Шу ўринда 2019 йил 1 январдан кучга кирган “Медиация тўғрисида”ги қонун ушбу институтни амалиётга кенгроқ жорий этишга замин яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таҳлилларга кўра, сўнгги 3 йилда фуқаролик судлари томонидан медиация тартиб-тамойили қўлланилиб ва медиатив келишув бўйича кўрмасдан қолдирилган ишлар сони 16 баробарга ошган. Медиацияни қўллаш низолашаётган тарафларнинг вақти ва ресурсларини тежаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, низо бўйича ўзаро мақбул ечим топишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фармонга асосан, эндиликда самарали йўналиш сифатида низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан янада кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Хусусан, медиация институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва низоларни судгача ҳал қилиш механизмлари қўлланилиши лозим бўлган фуқаролик ишлари тоифасини кўпайтириш бўйича таклифлар тайёрланади.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу боис, илғор хорижий тажриба асосида суд иш юритувида тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини амалда таъминлаш имкониятлари яратилади. Суд мажлисида тарафларга шахснинг айбли ёки айбсиз эканини исботлаш, далилларни тақдим қилиш учун тенг имкониятларни яратиш бўйича хорижий тажриба ўрганилади. Бунда айбланувчининг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи амалда тўлиқ таъминланиши бўйича таъсирчан механизмлар яратиш ҳамда ҳимоячига берилган ҳуқуқларни қайта кўриб чиқиб, унинг ваколатлари кенгайтирилади, жумладан, шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

Фармонга мувофиқ, суд жараёнида айбловни фақат қонунга асосланиб, холис ва сифатли қувватлаш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда тергов ходимларининг амалий кўникмаларини оширишга кўмаклашиш мақсадида Бош прокуратура, вилоят, туман прокуратураларидаги тегишли бўлимлар Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси этиб белгиланмоқда. Бунда ихтисослашган прокурорлар корпуси ходими судларда кўрилаётган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даъвони) қўллаб-қувватлаш, ўзгартириш ёки ундан воз кечиш, шу жумладан, Жиноят кодекси нормаларини қўллаш, жазо тури ва меъёрини белгилаш масалалари юзасидан фикрини судга баён қилишда мустақил бўлиб, қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланади.

Яна бир муҳим масала, судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш мақсадида мураккаблигига кўра, ихтисослашувни талаб этадиган йўналишлар, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпуси шакллантирилади. Бу эса, ушбу тоифадаги ишларни малакали судьялар томонидан сифатли кўрилишини ва ягона суд амалиёти шакллантирилишини таъминлайди.

Маълумки, давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилаётган маъмурий судлар фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширди. Мисол учун 2017-2022 йилларда маъмурий судлар томонидан 87 мингдан ортиқ ариза (шикоят) кўриб чиқилиб, уларнинг 62 фоизи қаноатлантирилган. Жумладан, ҳокимларнинг 7,5 мингдан ортиқ қарори ноқонуний деб топилган ҳолда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Бугунги кунда давлат органлари билан муносабатларда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш айниқса муҳимдир. Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш чоралари кўрилади. Ушбу мақсадда жорий йил якунига қадар маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Унда маъмурий суд иш юритуви принципларини кенгайтириш, маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиш ва даъво турларини аниқ белгилаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилишда етказилган зарарни ундириш тартибини аниқлаштириш, маъмурий судлар фаолиятига ҳуқуқи бузилган фуқаро — аризачининг хоҳишига кўра, экстерриториал судловга тегишлилик механизмини жорий этишни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, фармон билан тасдиқланган Ҳаракатлар дастурида суд ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш, судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини кенгроқ жорий этиш, суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш каби муҳим чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Албатта, ҳар қандай жамиятда адолат мезони — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиниши қай даражада кафолатлангани билан бевосита боғлиқ. Адолат эса фақат мустақил суд ҳокимияти томонидан таъминланиши мумкин. Бу борада фармонда одил судлов фаолиятига ташқи ва ички тарафдан аралашиш имкониятларини бартараф этиш чоралари кўзда тутилмоқда.

Хусусан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида самарали механизмлар ишлаб чиқилади. Бунинг учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилади ва жиноий жавобгарлик белгиланади. Хорижий амалиётга кўра, бундай нормалар Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Амалиётда судга босим ўтказилаётгани, судьянинг дахлсизлигига таҳдид бўлгани, судьянинг ишига аралашишга ҳаракат қилингани ҳақида хабарлар кенг муҳокама қилинса-да, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ҳолати бўйича юритилган жиноят ишлари ҳақида кенг жамоатчилик етарли даражада хабардор қилинмайди. Шу муносабат билан одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартиби жорий этилиши белгиланганги судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, Стратегияда келгуси йилларда ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьялик штат бирликлари сонини босқичма-босқич ошириб бориш мақсади белгиланди. Бу эса аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам яқин истиқболдаги устувор вазифалардан бўлади.

Судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари, ваколатлари ва уларнинг фаолияти механизмларини тартибга солувчи “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьяларнинг роли ва ўрнини белгилаш мақсадида унинг бир қисмини судьялар томонидан сайлаш тартиби жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўйи инстанция судларининг ўзида якунлаш тартибини белгилаш, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ва медиация институтини кенг жорий этиш борасида асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари ҳамда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар белгиланди.

Ушбу янги механизмларнинг жорий этилиши натижасида иш юкламаси мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлашга эришиш кўзда тутилган.

Умуман олганда, Президентимизнинг юқоридаги ҳар икки фармонида белгиланган ислоҳот ва янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд ишларини юритишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

> **СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ, ВАКОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ “СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ. ШУНИНГДЕК, СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СУДЬЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИНИ БЕЛГИЛАШ МАҚСАДИДА УНИНГ БИР ҚИСМИНИ СУДЬЯЛАР ТОМОНИДАН САЙЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.**

> **СУДНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА СУДГА ҲУРМАТСИЗЛИК ҚИЛИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНАДИ.**

БУГУННИНГ ГАПИ

КАМ ХАРАЖАТ, МЎЛ ДАРОМАД КАФОЛАТИ

— Хўжалигимиз канал бўйида жойлашган, сувдан муаммо йўқ. Сув тежовчи технология ҳосилдорликни оширади, дегани учун бу ишга қўл урдим, — дейди Тўрткўл туманидаги “Қўшназар-пахтакор” фермер хўжалиги раҳбари Мақсуд Исмоилов. — Фермер хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослаштирилган ва ҳар йили 40 центнердан ҳосил олардим. 2021 йилда 10 гектар пахта майдонида томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик. Қарангки, ҳосилдорлик кўтарилиб, ўртача 55-60 центнерга етди. Кейинги йилда ушбу технологияга ўзимиз озгина ўзгариш ҳам киритдик — ўғит соладиган идишлар ҳажмини катталаштирдик. Натижа жуда яхши бўлди. Бир контурдаги пахта майдонимиз 80 центнер ҳосил берди. Ўтган йили 11 гектар ғалла майдонимизга ҳам ёмғирлатиб суғориш технологиясини ўрнатдик. Сабаби, сув тежовчи технология, жуда самарали экан. Келгусида ерга эгалик қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ният қилганлар, албатта, уни даласига ўрнатиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш долзарб масалалар сирасига киради. Оддий мисол, бир гектар жойни суғориш учун 6500 куб метр сув сарф қилинса, томчилатиб суғоришда 1200 куб метр сув етарли бўлади. Бу сувни беш баробар тежаш дегани. Демак, Қорақалпоғистон, умуман, Ўзбекистон шароитида сувни тежовчи технологияларни жорий этиш жуда муҳим. Чунки у фермер ва деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, соҳада самарадорликни таъминлашга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда юртимизда сувдан оқилона фойдаланиш борасида янги технологиялар жорий этилиб, чет эл тажрибалари синов тариқасида тавсия қилинмоқда. Сувдан самарали фойдаланиш, қурғоқчилик оқибатларини юмшатиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш давом этмоқда.

— Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, эгилувчан қувурлар ёрдамида пулсар суғориш ва плёнка тўшаб суғориш усуллари бор. Сувни тежамоқчи бўлган фермер хўжаликларига давлатимиз томонидан субсидиялар бериляпти. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳар бир гектар ер учун 8 миллион сўм субсидия берилаётган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бу сумма 12 миллион сўмни ташкил этади, — дейди Қорақалпоғистон Сув хўжалиги вазирлигининг сувни тежаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш сектори бошлиғи Абу Қидирбаев. — Бу томчилатиб суғориш учун ажратилган субсидия. Ёмғирлатиб суғориш учун эса ҳар бир гектар ерга 9 миллион сўмдан субсидия берилмоқда. Оролбўйи шароитида меҳнат қилаётган фермерлар учун бу жуда катта имтиёз. Бундан ташқари, ер солиғи ва кредит олишда ҳам имтиёзлар мавжуд.

— Кластеримизга бириктирилган фермер хўжаликлари 6385 гектар ерда пахта етиштиради. Бугунгача фермер хўжаликларининг 1100 гектар майдонига томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатишга бош-қош бўлдик, — дейди Элликқалъа тумани “Бўстон кластер” масъулияти чекланган жамияти директори Жумабой Жабборов. — Бизга ушбу технологияларни ўрнатган ташкилотлар ундан қандай фойдаланишни ўргатиб, йил давомида ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сув тежовчи технологиядан Хўжайли туманидаги “Жеткиншек”, Тахиатош туманидаги “Жалайир”, Элликқалъа туманидаги “Элликқалъа ғаллакори” ва Қораўзак туманидаги “Даулет” фермер хўжаликлари ҳам самарали фойдаланиб келмоқда.

— Корхонамиз 2019 йилдан буён хўжаликлар ерларига сув тежовчи технологиялар ўрнатиш билан шуғулланиб келади. Ўтган йили Тўрткўл туманида 250 гектар ерда ёмғирлатиб суғориш технологиясини ишга туширдик. Шунингдек, “Агро Тўрткўл кластер” корхонасининг 350 гектар ерига томчилатиб суғориш технологиясини тўлиқ ўрнатдик, — дейди “Омад старт” масъулияти чекланган жамиятининг Қорақалпоғистондаги вакили Эгамберди Абдуллаев. — Биз билан шартнома тузиб, иш бошлаган барча фермерлар яхши натижаларга эришиб, ҳосилдорлиги ҳам ошмоқда. Корхонамиз 2019 йили фермер хўжаликларининг 3000 гектар, 2020 йили 7000 гектар ва 2022 йили 17 000 гектар ерларига томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатиб берди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида сув тежовчи технологияларни қўллаган кластер ва фермер хўжаликларига бир қатор молиявий кўмак ва имтиёзлар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари кам сув сарфлаб, кўп ҳосил олиш усулларини қўлламоқда.

— Аввалари сув тежовчи технологиялар чет давлатлардан олиб келинарди. Эндиликда ушбу технологиялар ўзимизда, яъни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Бахтияр Жузбаев. — Шунингдек, бундай техникаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар Қорақалпоғистонда ҳам қуриляпти. Бу биз учун икки томонлама фойдали. Биринчидан, тадбиркор имтиёзга эга бўлади, иккинчидан, маҳсулот таннархи арзонлашади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, минтақамизда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, аҳоли ўсиши ҳамда бошқа инсон омили билан боғлиқ жараёнлар сувни кўп истеъмол қиладиган экинларни етиштириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Бу эса давр талабидир. Сув танқислиги сабаб, ҳудудда тежамкорликни йўлга қўйиш, шу аснода кам харажат, мўл даромад олиш имконияти ҳам яратилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАЪЛИМ ЙЎЛИ — НАЖОТ ЙЎЛИ

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

ДУНЁНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛИШ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИМИЗГА КИРАДИ. БУ БОРАДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, “THE — TIMES HIGHER EDUCATION” ХАЛҚАРО РЕЙТИНГИДА 7 ТА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА 400 ДАН 1001 ЎРИНГАЧА БЎЛИБ, 2022 ЙИЛДА РЕПОРТЕР МАҚОМИГА ЭРИШДИК.

Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

ЭСКИ ЁНДАШУВЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ДАВРИ КЕЛДИ

ёхуд илғор фикрловчи, фидойи мутахассислар замон талабидир

Бошланиши 1-бетда

Ҳар томонлама ўйланган ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига оид вазифаларни юклайдиган бу масъулиятли йил айнан инсон капиталига бўлган эътиборни кучайтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса, энг аввало, ижтимоий давлат деган тушунча билан ҳамоҳангликни кўз олдимизга келтиради. Асосий қонунимизда мустаҳкамланиб қўйилиши кўзда тутилган бу тушунча келгуси йилларда жамиятда инсоннинг қадрини кўтаришга йўналтирилган сиёсат билан бевосита боғлиқлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Таъкидланаётган инсон капитали ва ижтимоий давлат тушунчалари бугунги кунда энг асосий трендга айланаётгани жамият учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга таълим тизимида ҳам кўплаб ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Мактабгача таълим болаларимизнинг жамиятга мослашуви билан шуғулланса, мактаб таълими мустаҳкам билимлар фундаментини барпо этиши, олий таълим тизими эса ҳамма соҳаларни ривожлантиришга кучи ва малакаси етадиган ёшларни тарбиялаш ишини ислоҳ қилиши заруриятга айланди. Бунинг учун эса таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳар томонлама янгилаш орқали сифатни ошириш, илғор ғояларни олиб кириб, натижага эришишга йўналтирилган ишларни амалга оширмоғимиз зарур.

Президентимиз Мурожаатномада айтганидек, “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”. Барча саъй-ҳаракатларимиз айнан мана шу ғоя атрофида амалга оширилиши заруратини бугунги зиддиятли, масъулиятли замон кўрсатиб турибди. Қайси бир соҳага қарамайлик, илғор фикрловчи ва айниқса, фидойи мутахассисларга эҳтиёж кундан-кун ортиб бораётганини кўрамиз. Мурожаатномада таълим тизимининг ҳар бир бўғини учун алоҳида вазифаларнинг энг муҳимлари белгилаб берилди.

Шу ўринда олий таълим босқичидаги вазифалар хусусида тўхталмоқчиман. Биламизки, бу жабҳада икки иштирокчи — педагоглар ва талабалар тизимнинг бош ҳаракатлантируви кучи ҳисобланади. Ҳозирда айнан уларнинг ёндашувларини ўзгартириш, янгилаш тақозо этилмоқда. Албатта, бу жараёнда бошқарув маъмуриятининг ҳам ўрни алоҳида.

Олий таълимнинг мажозий маънодаги икки қаноти бор. Бири таълим бўлса, иккинчиси илм-фан ҳисобланади. Бу аксиомага айланган ҳақиқат. Аммо уларнинг талаб даражасида бўлиши йўлларини муттасил излаш, қандай воситалардан фойдаланиш кераклиги устида бош қотириш лозим. Бугунги кун талаблари шуни кўрсатмоқдаки, олий таълимнинг бу қанотларини кучга келтирадиган яна икки муҳим восита мавжуд. Улардан бири тарбия, иккинчиси янгиликка интилиш — инновациядир. Кўплаб ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизимида айнан мана шу икки жиҳатга алоҳида эътибор сабабли олий таълим тизими ўз мақсадларига эришиб келмоқда. Бу нималарда акс этади?

Ўқитувчидан ҳамма билимларни ўргатишни талаб қилиш тўғрими?

Дастлаб, талабаларнинг ўқишга муносабатини ўзгартириш зарур. Бу аввало, олий таълим муассасасини танлашдан бошланади. Зеро, мақсадли танлов — ишнинг ярим натижаси дегани. Университетда баҳо учун эмас, билим олиш учун ўқиш, бу — иккинчи талаб. Ўқитувчидан ҳамма билимларни айтиб беришни, ўргатишни талаб қилишга бўлган ёндашувни ўзгартириш зарур. Чунки мактабда алоҳида чегараланган доирадаги стандарт асосидаги билимларни олиб ўрганган эндиги талаба янги босқичда бу қарашини ўзгартириши лозим. Олий таълим муассасалари бир қолипга солинган ягона дарсликдан эмас, балки илм-фанга йўналтирилган соҳасига оид илмий ресурслар базаларидан фойдаланишни ўрганиши керак. Талаба материалларни таҳлил қила олиши ва ўзи мустақил билим олишга интилиши, бу билан муттасил шуғулланиши зарур. Бу аналитик қобилиятни юзага чиқаради, ривожлантиради. Ҳолбуки, ҳар бир соҳада бу муҳим жиҳат. Талаба талабчан бўлиши жоиз. Ўзига, дўстларига ва ўқитувчига нисбатан ҳам. Лоқайдлик, ўз келажагига ишончсизликни келтириб чиқаради. Хорижий тилларни жиддий ўрганиш муҳим. Чунки шоиримиз Аваз Ўтар айтганидек, “Тил воситаи, робитаи оламиёндир”, яъни тил билмоқ — жаҳонга йўл очмоқ, дунё эшиклари калитига эга бўлмоқ. Бадиий китобларни кўпроқ ўқиган талаба ҳар томонлама камол топиши — дунёқараши ортиши, тил билими кенгайиши, бадиий нутқ ифодаларини ўзлаштириши ва фойдаланиши, эстетик тафаккури кенгайишига эриша олади.

ТАЪЛИМНИНГ СИФАТЛИ БЎЛИШИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ЯНГИЛАШ, КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЭЛЕКТРОН УНИВЕРСИТЕТ ТИЗИМИГА ТЎЛИҚ ЎТИШ, ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯРАТИШ, ҲАР ЖАБҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АЛОҲИДА РЕЖАЛАР ТУЗИЛДИ.

Дунё чархпалаги тезлашмоқда

Хўш, профессор-ўқитувчиларга нисбатан қандай ислоҳотларни амалга оширмоғимиз зарур? Албатта, сифатли таълимга эришиш ҳар биримиздан ўзига хос талабни бажаришимизни тақозо этади. Аввало, югурик замонда ўз вақтимиз ва талабалар вақтини қадрлаш, шунга ўргатиш керак. Ўз устимизда мунтазам ишлашимиз, янгиланиб бораётган илм-фан ресурслари базасидаги янгиликлардан мунтазам бохабар бўлишимиз муҳим. Дунё чархпалаги тезлашиб бораётган айни даврда хорижий тил ва замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдалана олиш талаб этилади. Бу нафақат ресурслардан самарали фойдаланиш, балки ўз илмий тадқиқотлари натижаси билан ҳам ўртоқлашиш, хорижий ҳамкасблар билан мунтазам илмий мулоқотда бўлиш учун асосий воситалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, ривожланган мамлакатларнинг олий таълим даргоҳларида ишлаш учун илмий даражага эга бўлиш энг зарурий талаб. Афсуски, бизда бу мажбурий талаб бўлмаган, шу туфайли барча ўқитувчиларимиз ҳам илмий даража олган эмас. Ҳозирги кунда олий таълимга эътибор кучайгани, ойлик маошларнинг ортгани, имкониятлар кенгайгани бу ишга киришишда мотивация бўляпти. Докторантурага қабул квоталарининг кескин ортгани ҳам айнан мана шу вазифаларни ўз муддатида бажариш учун асос бўлмоқда.

Ёшларга ўрнак бўлиш учун ўзига талабчан бўлиши, талаба билан бўлажак мутахассис, ҳамкасб сифатида муҳокамага киришишга замин яратиши зарур.

Бугунги кунда хорижий илмий ресурслар базасига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этиш, уларга халқаро иқтибосликни ошириш профессор-ўқитувчиларнинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Чунки жаҳондаги университетларнинг баҳоси ҳам айнан улардаги илмий фаолият кўрсаткичлари билан белгиланади. Биз ҳам бунга етиб келдик. Энди ўқитувчиларимизга айнан шу талабларни кундалик эҳтиёжга айлантиришимиз, уларга ҳам мотивация беришимиз лозим.

Бу талаблар бугунги кунда таълим жараёнининг сифатли бўлишида ниҳоятда муҳимдир. Чунки олий таълимда таълим ва илмни ажратиб бўлмайди, олимларнинг интеллектуал мулкини таълим жараёнига жорий қилиш, амалиётга татбиқ этиш орқали замон талабига мос мутахассис камол топади. Акс ҳолда яратилган илм натижаси қоғоздагина қолиб, бефойда нарсага айланиши мумкин.

Ҳамқадам бўлиб

Айни кезда таълим билан боғлиқ бошқарувчилар, маъмурият олдидаги вазифалар ҳам долзарб эканини қайд этиш ўринли. Олий таълим муассасасини замонга мос ҳаракатга келтиришда маъмуриятнинг ҳам олдида жиддий вазифалар мавжуд. Бу вазифалар, энг аввало, айнан йил номи билан ҳамоҳанг тарзда инсонга эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Талаба ёшларга эътиборни кучайтириш — уларга таълим олиш, илм билан шуғулланишлари учун тегишли шароит яратишга замонавий инфраструктурасиз эришиб бўлмайди. Талабаларнинг тарбияси учун муҳим ишларни амалга ошириш, уларни бадиий адабиётлар билан таъминлашга кўп эътибор қаратиш керакки, китобгина бизни жаҳолатдан қутқара олади. Китоб сўнгги пайтларда бизни қийнаётган “оломон маданияти”га эргашувларнинг олдини олади, ҳаётга ва дунёга онгли баҳо беришга ўргатади.

Ёшлардан Ватанга, юртга, соҳага, фидойи бўлишни талаб қилиш учун ўзимиз — маъмурият масъуллари ҳам фидойи бўлиб, буни амалда ўрнак қилиб кўрсата олишимиз керак. Акс ҳолда, ишонч йўқолади ва талабалар фидойиликни баландпарвоз гапдек қабул қилади.

Университет таълим ва илмий тадқиқот жараёнларига етарлича илғор тажрибаларни олиб киришимиз керак. Бунда талабаларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам соҳа ривожланган мамлакатларга, университет ва илмий марказларга стажировкаларга юборишни ташкил қилиш, дунё кўриши ва тафаккури кенгайишига имкон беришимиз зарур. Шунингдек, таълим жараёнига кучли методикага эга хорижий мутахассис-профессорларни жалб қилиш имкониятини топишимиз, уларни таклиф этишимиз нафақат ўқув жараёнига таъсир этади, балки профессор-ўқитувчиларимиз учун ҳам фикрлашиш, ўрганиш шароитини ҳосил қилади.

Бир вақтнинг ўзида иккита университет дипломи

Хўш, айтиб ўтилган вазифалар ижроси йўлида Тошкент давлат шарқшунослик университети бошлаган ишлар нималардан иборат ва янги режалар қандай?

Аввало, таълим жараёнини бойитиш, кенгайтириш асосида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш бўйича замон талабига хос тарзда қуйидаги таълим йўналишлари очилди. Миллийликнинг йўқола бориш хавфи кучайган бир пайтда Шарқ мамлакатлари тарихи, миллий қадриятларию менталитетини, бугунги кунини ўрганишга қаратилган “Антропология ва этнология” йўналиши очилиб, хорижий шарқ тиллари, асл манбалар асосида бу соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш ишига киришилди. Бакалавр, магистратура ва докторантура узвийлиги ва узлуксизлигида антропология, этнология, этнография соҳаларига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, магистратурада шарқ фалсафасида алоҳида аҳамиятга эга энг катта таълимот — тасаввуф манбашунослиги ва герменевтикаси нуқтаи назардан тадқиқ эта оладиган кадрлар тайёрлаш ҳам янги мутахассислик доирасида йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, Президентимиз Мурожаатномасидаги “Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир”, деган фикрларни эслатмоқчиман. Демак, бизда тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муносабатларни тўғри баҳолай оладиган, Ватанимиз манфаатларини жаҳон майдонида ҳар томонлама ҳимоя қила оладиган халқаро сиёсатшуносларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам “Халқаро муносабатлар” йўналишида кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида таълим соҳаси сифатида киришилди. Охирги йилларда сиёсатшунослик, жаҳон сиёсати каби йўналишлардан фарқланувчи бу жабҳага алоҳида урғу қаратилмоқда. Бундан ташқари, Шарқ халқлари тилларини мукаммал биладиган, улар журналистикасини ўрганиб, илғор тажрибасини мамлакатимизда жорий этишга кучи етадиган мутахассисларни етказиб бериш мақсадида “Халқаро журналистика” йўналишининг очилгани ҳам аҳамиятга молик.

Мамлакатимиз тараққиёти учун ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу борада “Ташқи иқтисодий фаолият”, шунингдек, ташқи инвестицияларни жалб этишда муҳим бўлган “Туризм” йўналишларида кадрлар тайёрлана бошланди.

Айниқса, фанлар ва соҳалараро интеграцияни кучайтириш, мультидисциплинар соҳалар дунёда талабгир бўлаётгани боис, бу борада ҳам янгиликлар қилишимиз лозим бўлади. Академик мустақиллик берилган университет сифатида Корея, Туркия, Ҳиндистон, Россиядаги хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўшма таълим дастурларининг очилгани ёшларимиз учун бир вақтнинг ўзида 2 та университет дипломига эга бўлиш имкониятини яратди.

Охирги йилларда мамлакатимизда бир қатор йирик форумлар, саммитлар, халқаро миқёсда юқори даражадаги тадбирлар ташкил этилди. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилди ва муҳим ташаббусларни илгари сурди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатиш билан бирга, юксак эътирофларни намойиш этмоқда. Бу каби нуфузли тадбирларда юзлаб шарқшунос ёшларнинг кўнгилли таржимон сифатида иштирок этгани улар учун ҳам тажриба майдони, ҳам катта мотивация бўлди.

Билимларини синаб кўриш истагидаги волонтёрлар сафи кенгайиб бораётгани ҳам албатта, бизни қувонтиради. Демак, таржимашунослар, айниқса, синхрон таржимонларни борасидаги ишларимиз ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу борада синхрон таржимонлар учун Жаҳон банкининг академик инновациялар фонди гранти асосида 140 минг долларлик лойиҳа якунланиб, янги таржима лабораториямиз ишга туширилаётгани ҳам янги имкониятдир.

Таълимнинг сифатли бўлишига эришиш йўлида ўқув дастурларини янгилаш, кредит-модуль тизимини амалга ошириш, электрон университет тизимига тўлиқ ўтиш, замонавий ўқув адабиётлари яратиш, ҳар жабҳани рақамлаштириш бўйича алоҳида режалар тузилди.

“Yevroturcologica.uz” электрон платформаси яратилади

Мурожаатномада айтилган вазифалар ижроси доирасида Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди. Унга кўра, оптимизация қилинган вазирликлар орасида олий таълимга масъул вазирлик — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ташкил этилди. Эндиликда юқорида айтилган тизимнинг иккинчи қаноти — фанни, илмий тадқиқотларни кучайтириш ва айниқса, инновацияларни яратишга эътибор юқори ўринга чиқди, дейишимизга асос бор. Айнан шу масала ўқитувчилар ва талабалар орасида инновациялар яратишга қизиқишни кучайтириши, уларни рағбатлантириш механизмларини ривожлантиришга диққат қаратишни талаб этади. Бу борада инновацион лойиҳаларни давлат дастурлари доирасида ва университет ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яратиш йўлларида фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга қаратилган буддавий обидаларнинг 3D форматдаги турмаршрутларини яратиш лойиҳаси, ишланаётган инклюзив таълимни ривожлантиришга қаратилган аудио ёзувли дарсликлар, мобиль иловаларни яратиш, хорижий шарқ тилларидан замонавий электрон луғатлар, дарсликлар, тадқиқотлар, шунингдек, Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Халқаро алоқаларни янада кенгайтириш университетнинг устувор вазифаларидан. “Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очиқ ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз. Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қирали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз”, деди Президентимиз Мурожаатномада. Бу борада юқоридаги вазифалар доирасида талабалар, тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчиларнинг хорижий стажировкаларга юборилишининг аниқ режалари ишлаб чиқилди.

Талабаларнинг амалиётини хорижий ҳамкор ташкилотларда ўтказиш, чет эллик олимларни ҳамкорликка чорлаш, дарс жараёнига жалб этиш бўйича ҳам мақсадли режалар ишлаб чиқилди. Талабаларимиз Корея, Миср, Франция, АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларда ўқиб, малака ва тажриба орттириб келмоқда. Хорижий ҳамкорлар, халқаро ташкилотларнинг гранти асосида инвестицияларни жалб этиш ҳам давом этади. Туркиянинг TIKA ташкилоти, Японияниг Mitsubishi каби компаниялари, Жаҳон банки ҳам бу борада университетимиз учун каттагина маблағ сарфлади.

Дунёнинг тараққий этган университетлари қаторидан жой олиш стратегик мақсадларимизга киради. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, “THE — Times Higher Education” халқаро рейтингида 7 та йўналиш бўйича 400 дан 1001 ўрингача бўлиб, 2022 йилда репортер мақомига эришдик.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаб ўтди. Яқинда Парижда ўтказилган халқаро конференцияда айнан бизнинг шарқшунос битирувчиларимиз — олимларнинг маъруза билан қатнашгани, шунингдек, йирик хорижий мутахассисларнинг маърузаларида олимларимиз номи эътироф этилгани университетимиз танлаган таълим сифатини ошириш йўли тўғри йўналишда эканидан далолат бермоқда.

Зотан, “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”, деган ақида кундалик мақсадимиз, интилишимиз ва амалий ишимизга айлансагина, инсон капитали орқали тараққий этган, илғор давлатлар қаторидан ўрин олишга эришамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ АУДИОЁЗУВНИ ТИНГЛАНГ.

ЭЛ-ЮРТ УМИДИ

ЧУҚУР БИЛИМ, МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЖАМИЯТНИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ. ЗИЁЛИ, ОҚИЛА АЁЛ КЕЛАЖАКДА БАРПО БЎЛАДИГАН ОИЛАНИНГ ИЛМЛИ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ. АЁЛЛАРНИНГ ИЛМ ОЛИШИ, ҲУНАР ЎРГАНИШИ ЙЎЛИДА САФАРБАР ЭТИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЭНГ КАТТА САРМОЯДИР.

“ОНА ВАТАНИМГА КАТТА ТАЖРИБА БИЛАН ҚАЙТАМАН”

Ёшлик келажак учун тузилган ёруғ режалар бошланишидир. Бу даврда қўйилган ҳар бир қадам, тузилган режа ва мақсад ўз мевасини беради. Бугун ёшлар қўлга киритаётган ютуқларга ҳавас билан боқамиз. Уларнинг бу даражага етишишида берилган имкониятлар муҳим асосдир, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда Австралиянинг Гриффитс университети докторанти Наргиза Абдураҳмонова давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юксак марраларни забт этишни мақсад қилган ёшлардан бири.

Муваффақиятларимда бобом ва бувимнинг ҳиссаси катта

Инсон келажагининг ёруғ бўлиши, муваффақиятларни қўлга киритишида у улғайган муҳитнинг ўрни катта. 1997 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилганман. Отам — муҳандис, онам инглиз тили ўқитувчиси. Болаликдан ёқимли ва яхши хотиралар қолган.

Бобом ва бувим кўп китоб ўқирди. Эсимни танибманки, уларнинг бирор китоб ёки фильм ҳақидаги баҳсларини, муносабатларини эшитардим. Бу, оиламизда улғаяётган биз — болаларнинг илмга интилишимизда муҳим роль ўйнаган. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишгани рост экан.

Ота-онам болаликдан бизни меҳнатга ўргатган. 171-мактабда таълим олишни бошлаган кезларимданоқ мактаб ўқув дастури билан кифояланмай, қўшимча юкламалар асосида таълим олардим. Уйдагилар “Ўқисанг, одам бўласан”, деган. Шу нарса миямга ўтириб қолган ва баъзан тонггача дарс билан машғул бўлардим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ўзбек, рус ва инглиз тилларида мулоқот қила олардим. Онамнинг инглиз тили ўқитувчиси бўлгани тил ўрганишимда менга қўл келган.

Ҳозир кузатсам, аслида ҳар бир бола жуда катта қувват манбаи бўлар экан. Бу қувватни қандай сарфлаш, қандай йўналтиришда ота-онанинг ёрдами керак.

Замонавий ва профессионал муҳитда шаклландик

9-синфни битиргач, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейига ўқишга қабул қилиндим, лицей таҳсилидан сўнг ўқишни Вестминстер университетининг “Халқаро савдо ҳуқуқи” йўналишида давом эттирдим.

4-курсда ўқиётган кезларим иш қидира бошладим. Қайси ташкилотга бормай, тажрибам йўқлиги туфайли ишга қабул қилишмади. Бироқ шаштимдан қайтмадим. Иш қидиришда давом этдим. Саъй-ҳаракатларимга эса бир хил мазмундаги хабар билан жавоб берилди: кутинг.

Бу орада мени ишга чақиришди: ҳозирги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига. Иш фаолиятимни вазирликнинг протокол хизматида бошлаганман. Ушбу хизматда одамлар билан мулоқот қилишни ва масъулиятни ўз зиммамга олишни ўргандим. Албатта, келажак кадри сифатида ҳам шаклландим, ўсдим, деб ҳисоблайман.

Ёдимдан чиқмайдиган бир воқеа: иш бошлаганимга эндигина 3 ҳафта бўлган, янги ходимман. Вазирлигимизга БАА вазири даражасида меҳмонлар келган. Давлат делегацияси келганда музокаралар столи атрофида протокол бўйича ўтириш тартиби мавжуд. Янгилигим панд бердими ёки ҳаяжонландимми, адашиб вазирларнинг исм-фамилияси туширилган табличкани нотўғри қўйганман. Музокарадан кейин вазиримиз мени жазолаш ўрнига хотиржамлик билан содда ва тушунарли тарзда табличкаларни столга қандай тартибда қўйишни кўрсатиб берган. Вазирнинг бир ходимига нисбатан бундай муомаласидан куч олганман. Шу куни ўзимга “Бир кун келиб, мен ҳам мана шундай замонавий ва профессионал раҳбар бўламан”, деб сўз бердим. Бу мақсадга эришиш осон эмаслигини билардим. Биринчи навбатда, чет элнинг нуфузли университетида таҳсил олишим, малака ва тажриба тўплашим лозим эди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бу борада менга катта имконият беради. Илмий иш учун Австралия давлатини танладим.

Нега айнан Австралия?

Ўйлайманки, инсон қандай лавозим эгалламасин, билим олишдан тўхташи керак эмас. Чунки биз динамик ривожланаётган даврда яшаяпмиз. Бу ривожланишнинг ортидан тез етишимиз керак. Австралия кўп давлатлардан бу борада ҳар томонлама олдинда, буни кўплаб халқаро рейтинглар тасдиқлайди.

Мукаммаллик ва тадқиқот Австралияда энг юқори даражада дейиш мумкин. Бу ерда таълим ва бошқа соҳаларда коррупция мавжуд эмас. Австралиянинг яна бир ижобий томони шундаки, у юқори сифатли тадқиқот тажрибасини таклиф этади. Шу сабабли, дунёнинг энг ривожланган ва гўзал мамлакатларидан бирида таҳсил олиш имконияти пайдо бўлганда, ундан фойдаландим.

Мазкур давлатнинг таълим соҳаси “World population review 2022” рейтингида ҳатто Финляндияни ҳам ортда қолдирди. Бу ернинг университетлари ҳар йили таниқли рейтингларда (масалан, QS World University Rankings) юқори натижани кўрсатади. Шу кўрсаткичлар мени илмни айнан Австралияда олишга етаклади.

Келажакда Австралия таълим тизимини Ўзбекистонга олиб келишга ҳаракат қилиб кўрмоқчиман ва албатта, ўз соҳам бўйича ҳам профессионал мутахассис бўлиб, она Ватанимнинг ривожланишига ҳисса қўшаман.

Илмий ишимни халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида бошладим. Юрисдикцияларо шахсий маълумотларни бошқариш ва махфийлик муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб боряпман. Илмий ишимни тўрт ой олдин бошладим, албатта, ўзига яраша қийинчиликлар кўп, лекин ҳаракат қилиб, ўқиб, изланиб, яхши натижага эришаман. Гриффитс университетида икки австралиялик супервайзерим бор. Бундан ташқари, шахсий маълумотларни тартибга солиш йўналишида менинг илмий ишим Ўзбекистонга янгилик киритади, деган умиддаман.

Ҳар бир қиз илм олишга ҳақли

Президентимиз 2022 йил 29 декабрь куни замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишар экан, Элбек домланинг **“Қиз болани ўқитган давлат бутун жамиятни ўқитган бўлади”,** деган ибратли фикрини эсга олди.

Дарҳақиқат, чуқур билим, маънавий баркамоллик жамиятни тараққиётга элтади. Зиёли, оқила аёл келажакда барпо бўладиган оиланинг илмли бўлиб улғайишига замин яратади. Аёлларнинг илм олиши, ҳунар ўрганиши йўлида сафарбар этилаётган маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш келажакка йўналтирилган энг катта сармоядир.

Бугун юртимизда ҳар бир хотин-қизнинг тақдири давлатимиз назоратида. Қандай кўмак керак бўлса, кўрсатиляпти. Масалан, ўтган йили Ўзбекистонда магистратура босқичида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг контракт суммаси давлат бюджетидан қоплаб берилиши йўлга қўйилди. Бу не-не қизларимизнинг оғирини енгил қилмоқда: армонлар ушалиб, орзулар ҳақиқатга эвриляпти. Кўнгилларда келажакка умид ва ишонч уйғоняпти. Ҳадемай бу ислоҳот ўз мевасини кўрсата бошлайди. Бу, албатта, Президентимизнинг гендер тенглик йўналишида олиб бораётган сиёсати самарасидир. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хотин-қизларимиз ушбу яратилаётган шароитлардан фойдаланса, бизнинг орамиздан ҳам таниқли олималар чиқиши, шубҳасиз. Шу ўринда тенгдош-дугоналаримга, илм олишни истаган сингилларимга бир маслаҳат берсам. Ҳозир ўқиш, малака тўплаш учун кўплаб грантлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам. Ҳужжатларни онлайн топшириш мумкин. Масалан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендияси — бакалавр, магистратура ва докторантура даражаларида ўқимоқчи бўлган ёшларга катта имконият беради. Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айта оламанки, ушбу жамғарма очиқ ва шаффоф танлов ўтказади. Хотин-қизлар ҳеч қўрқмай ушбу жамғарма стипендиясига бемалол ҳужжатларини топширсин. Жамғарма билимли ёшларни, албатта, қўллаб-қувватлайди.

Азиз қизлар, илм олинг, ҳаётдан доим завқ олиб яшанг ва орзуларингиздан ҳеч қачон воз кечманг. Бахтли бўлиш сири аслида шу.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

БОЛАНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИДА...

Ёзёвон туманида мактабгача таълим ташкилотига болалар қамрови 99,8 фоизга етди. Шу кунга қадар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 9408 нафар кичкинтой бошланғич таълим йўналишларига жалб этилган.
Кейинги йилларда нафақат туман маркази, балки чекка ва олис ҳудудларда ҳам замонавий мактабгача таълим ташкилотига мўлжалланган бинолар қуриш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини ривожлантиришга бўлган эътибор кучайди.

“Тошҳовуз” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Серсув қишлоғи туман марказидан 15 чақирим олисда жойлашган. Асосан, деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган қишлоқда шу кунга қадар мактабгача таълим ташкилоти йўқ эди. Имкон топганлар фарзандларини узоқ йўл босиб, туман маркази ёки қўшни қишлоқдаги боғчаларга олиб боришга мажбур бўлган, имкон топмаганларнинг фарзанди уйда қолган.

Яқинда қишлоқ кичкинтойлари учун замонавий меъморчилик андазаларига мос бўлган 90 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриб берилди, 36 та иш ўрни яратилди.

— Бу ерга кўчиб келганимизга 50 йилдан ошди. Фарзандларимиз бошланғич таълим олмасдан улғайган, — дейди меҳнат фахрийси Муроджон Ўрошов. — Боғча қуриб беришларини сўраб жуда кўп мутасаддиларга мурожаат қилганмиз. Лекин ҳеч амалга ошмади. Уч нафар набирам мактабгача ёшда. Ҳар куни уларни боғчага олиб бориш, олиб келишда турли оворагарчиликларга дуч келардик. Узоқ йўл, уйдан олисда бўлгани боис, хавотиримиз кўп эди. Ниҳоят ҳаммамиз орзу қилган боғча бунёд этилди. Уни ташкил этган, қуриб берганларнинг барчасига раҳмат. Кенг ва ёруғ хоналар, иссиқ ва совуқ сув тизимлари, кераклі жиҳозларни кўриб ҳавасимиз келди. Шароитлари шаҳардагидан қолишмайди. Мактабгача таълим ташкилотидаги машғулотлар “Илк қадам” дастури асосида олиб борилмоқда. Унда болаларга дўстона муносабатда бўлиш, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, табиатни ўргатиш, тил ва нутқ санъати, қуриш-ясаш, конструкциялаш, сюжетли ўйинлар ва саҳналаштириш марказлари ташкил этилган. Ҳар бир марказ зарур ўйинчоқ ва қўлланмалар билан таъминланган. Фақат бугина эмас. Чекка қишлоқда бунёд этилган таълим ташкилоти малакали мутахассис бўла туриб, уйда ишсиз ўтирган ўнлаб хотин-қизлар учун ҳам янги имкониятлар берди.

— Марғилон педагогика касб-ҳунар коллежида бошланғич таълим йўналишида таҳсил олганман. Қишлоғимизда танлаган касбим бўйича иш йўқлиги боис, тўққиз йилдирки, уй ва дала юмушлари билан банд эдим, — дейди Ақида Бобокаримова. — Янги боғча қурилгач, мен каби ўнлаб хотин-қизлар ишга жалб этилди. Айни кунда кичик ёшдаги гуруҳларга тарбиячилик қиляпман. Ўзим ҳавас қилган соҳада ишлаётганимдан хурсандман. Келгусида, албатта, олий таълим йўналишида таҳсил олишни мақсад қилганман. Чунки кичкинтойларни мактабга тайёрлаш осон эмас, масъулияти ҳам катта.

Ёзёвон туман мактабгача таълим бўлимида таълим-тарбия сифатини таъминлашга алоҳида урғу берилган. Унга кўра, мактабгача таълим фаолиятини янада ривожлантириш, педагог кадрларга методик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор услубчи, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия ва тарбиячилар методик уюшмалари ташкил этилди. Моддий-техник базаси ҳамда жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, “Замонавий мактабгача таълим ташкилоти” ва “Таянч” боғчалар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳафтанинг ҳар жума куни услубчи ва тарбиячилар учун “Методик хизмат куни” этиб белгиланди. Тренингларда ҳар бир йўналиш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш, илғор педагоглар иш тажрибасини оммалаштиришга эътибор қаратилмоқда.

— Бундан беш йил аввал туманимизда 19 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ва бор-йўғи 1 та нодавлат таълим муассасаси фаолият кўрсатиб, боғча ёшидаги кичкинтойларни таълимнинг бошланғич бўғинига жалб этиш 25,8 фоиз эди. Бугун бу борадаги кўрсаткич салмоғи тўрт ҳиссага ошди, — дейди Ёзёвон туман мактабгача таълим бўлими мудири Хонзода Саримсоқова. — Туманимизда 27 та давлат, 10 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 77 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йилнинг ўзида 745 ўринли турли кўринишдаги бошланғич таълим ташкилотлари қурилди. Айни кунда янги қурилаётган уй-жой массивлари, аҳоли гавжум ҳудудларда замонавий лойиҳалар асосида МТТ ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 8 та қўшимча мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, 210 нафар бола таълимнинг илк босқичига қамраб олинди. Бунда ҳар бир бола учун мактабгача таълим-тарбия олиш имкониятини яратиш, уларда илмга илк иштиёқ ва кўникмаларни шаклантириш, жисмоний ва ақлий фаолиятини ривожлантиришда тенгликни таъминлаш, соғлом овқатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эндиликда мактабгача таълим ташкилотларига болаларни жалб қилишда ўзига хос рақобат вужудга келди. Ота-оналар фарзандларини ўзларига мақбул бўлган, ҳар жиҳатдан қулай жойлашган, имкониятлари кенг боғчаларга беришни истайди. Шу боис, ҳар бир таълим ташкилотида “Илк қадам” давлат дастуридан ташқари ота-оналар талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, хорижий тилларни ўргатиш, ментал арифметика, спорт, бадиий гимнастика ва рақс тўгараклари фаолиятини йўлга қўйишга эътибор ошди.

Шерзод Қорабоев олган суратлар.

— Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга, — дейди Фарғона вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Юлдузхон Хўжаева. — Масалан, вилоятда давлат ва нодавлат МТТлари сони 2017 йилда бор-йўғи 642 та, қамров эса 34,2 фоизни ташкил этган. Бугунга келиб, улар сони 3 мингдан ошди, боғча ёшдаги болаларни мактабгача таълимга қамров даражаси 86,3 фоизни ташкил қилди. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткич. Айни кунда вилоятимизда 83 та хусусий, 112 та давлат шериклик ва 2239 та оилавий МТТлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, тўлиқ қувватда ишламаётган мактабгача таълим ташкилотларида тўлиқ кунли ва қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш, янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шунингдек, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жалб этишда нодавлат таълим ташкилотларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу йўналишда таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар кўрсаткичи 33,1 фоизни ташкил этади.

Албатта, мактабгача таълим ташкилотларининг кўпайиб бориши малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Шу мақсадда педагог кадрлар нуфузини ошириш, қайта ўқитиш, ёрдамчи тарбиячилар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Фарғона вилояти давлат мактабгача таълим ташкилотларида 17 146 педагог ходим фаолият олиб бормоқда, — дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси педагог кадрлар малакасини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Холида Султонова. — 2022 йил давомида 2753 нафар педагог ходимнинг малакаси оширилди. Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 439, вилоят педагогларини янги методикага ўргатиш миллий марказида 1465 нафар МТТ тарбиячиси маҳорат машғулотларида қатнашди. Шунингдек, илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Фарғона филиалида 156 нафар МТТ жисмоний тарбия йўриқчилари малака оширди.

Сирасини айтганда, мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. Шу боис, тизим фаолиятини кенгайтириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор кундан-кун ортиб бормоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 00:25